

Умавий амирларидан Валид ибн Абдулмалик хукмдорлиги (705-715) даврида Испания ва Португалия Мусо Нусайя ва унинг мавлоси Торик ибн Зиёд томонидан хижрий 92 (милодий 711) йилда фатх этилди ва бу икки давлат фатхдан сўнг араб тилида битта ном билан «Андалусия» деб атала бошланди. Андалусия Ислом халифалиги даврида нихоятда гуллаб-яшнаган, Куртуба (Кордова), Ишбилия (Севиля), Гарнота (Гранада) каби ўлкалар илм-фан, маданият, савдо-сотик соҳасида фақат Бағдод ва Кустантанаядангина орқада бўлган.

Андалусияда гўзал шаҳарлар, мухташам масжид ва касрлар барпо этилган, хунармандчилик ривожланган. Андалусиядан донги дунёга кетган Имом Куртубий, Ибн Арабий, Ибн Хазм, Ибн Рушд, Абу Хаййон, Ибн Атийя каби олимлар етишиб чиккан. Андалусияда исломий китобларнинг улкан хазиналари жамланган, исломий билимлар юксак даражада ривожланган эди. Бу ерда барпо этилган ва Ислом меъморлигининг шох асарлари саналган Аз-Захро, Ал-Хамро каби мухташам ва фусункор касрларни халигача бирор миллат ёки давлат кура олгани йўқ.

Насронийлар хижрий 635 (милодий 1236) йили Куртубани, 646 (милодий 1248) йили Ишбилияни босиб олиб, барча мусулмонларни қиличдан ўтказди, Ислом маданияти обидаларини яқсон қилиб, китобларни ёқди. Фақат Гарнотада мусулмонлар хукмронлиги милодий 1492 йилгача давом этди ва шундан кейин Андалусия батамом таназзулга юз тутди.